

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ

ЖДПИ Умумий психология кафедраси  
ўқитувчиси, Р.У.Мамараимова  
Исламова Парвина, Педагогика ва психология  
йўналиши 2-босқис талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақола долзарб мавзуда ёзилган бўлиб, мақолада ўқув жараёнини ташкил этишжа интерфаол усуллардан фойдаланишнинг мазмуни моҳияти ва аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** коммуникатив қобилиятлар, сўз, фикр – туйғу орқали муносабат, ўзаро фикр алмашув, турли қобилият кўринишлари, динамизм (харакатчанг), фаол, эмоционал (ҳис-туйғу жўшқин), қатъиятлик, кунт, сабот

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич ва муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолияти, унинг касбий нуфузини ошириш билан боғлиқдир. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида таъкидланган миллий модел Ўзбекистон Республикасининг миллий-ҳудудий хусусиятларини инобатга олиш ҳамда илғор фан, техника ва технология ютуқлари асосида тайёрланган кадр (мутахассис) – баркамол инсон ва етук мутахассис қиёфасини ўзида тўлақонли акс эттирувчи намунадир. Жамият ривожининг бугунги кундаги босқичи бевосита, технологияларнинг такомиллашуви билан характерланади. Замонавий технологик жараёнлар ҳар қандай соҳага ўз таъсирини ўтказмоқда. Айниқса, ахборот узатиш тизимида тобора янги ўзгаришлар ва технологиялар ривожланиб, кучайиб бормоқда. Инсонларда ахборот ва коммуникацион технологиялар ҳамда компьютер технологиясидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж кучаймоқда ва улар такомиллашмоқда.

Ўқитувчи касбини эгаллашга интилаётган ҳар бир инсон ўзида аввало ирода, сабр-матонат, педагогик маҳоратни, ўқитувчи ихтисослигига ҳос билим, малака, кўникмаларни эгаллаши лозимдир.

Маҳоратли ўқитувчи ўзини маҳорат эгаси санаса, у қуйидаги билим, кўникма, малакаларни эгаллаган бўлиши зарурдир:

-Ўқитувчи дунёқараши кенг, ҳамма воқеа, ҳодиса устида эркин фикр юрита олиши зарурдир.

- Мустақил Ўзбекистонимиз ўқитувчиси биринчи галда ўзи ўқитадиган фанни чуқур эгаллаган бўлгандагина ўқувчиларда умумий ва касбий таълим сифатини ошира олади ва уларда фан - техника ҳамда амалий фаолиятга қизиқиш ва истақ ҳосил қила олади.

-Ўқитувчи ҳозирги замон илм фан-техника талабига мувофиқ яхши дарс бериши ва унинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиши зарур.

-Ўқитувчи яхши ўқитувчи бўлиши учун педагогика ва психологияга кўшиб, ўз фанининг методикасини яхши билмоғи лозим.

Ўқитувчининг умумий маданияти юқори бўлиши билан бирга бу касб адабиёт ва санъат соҳасидаги билимларга эга бўлишни талаб қилади.

-Ўқитувчи педагоглик одобига риоя қилиши керак. Педагоглик одоби ўқитувчи касбига хос фазилатлардан бўлиб, у ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаши жараёнида унинг тажрибаси ва маҳорати ошади.

-Ўқитувчи педагог маҳоратига ва ҳар томонлама билимга эга бўлиши керак, чунки унга ўқувчилар ҳар соҳада мурожаат қилишлари мумкин.

Мунтазам олиб бориладиган жонли педагогик фаолиятни ҳозирги замон талаблари билан узвийликда боғлаб инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда олиб борилиши натижасида бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда:

1. Интерфаол методлар (таълим мақсадига эришишнинг муайян йўли

сифатида фойдаланилади): “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат” ва б.

2. Стратегиялар (кутилган мақсаднинг талабалар фаолиятига кўра натижаланишини ифодалайди): “Ақлий хужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротация”, “Т-жадвал” ва ҳ.к.

3. График органайзерлар (ўқув топшириқлари графикавий тасвирга эга иш қоғози ёрдамида бажарилади): “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б.

Таълим жараёнида улардан фойдаланиш талабаларда билим олишга бўлган қизиқишни кучайтиради, уларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширади. Қуйидаги интерфаол методлардан айримлари хусусида сўз юритилади.

**Бу борада “Мантиқий чалкаш занжир” стратегияси** тушунчалар ёки билдирилган фикрлар ўртасида боғлиқликни юзага келтириш, уларни мантиқий жиҳатдан кетма-кетликда тўғри ифодалашга ёрдам беради. Унинг моҳиятига кўра ўқитувчи мавзунини ёритувчи маълумотларни тўғри ва нотўғри тартибда баён этади. Талабаларнинг вазифаси мантиқий жиҳатдан нотўғри ифодаланган маълумотларни тўғри далилларга айлантириш, юзага келган мантиқий чалкашликни тузатиш, фикрларни муайян кетма-кетликда тўғри жойлаштирилган ҳолда узилган занжирни “улаш”дан иборат.

Ва ниҳоят ўқитувчида ўқитувчига хос бўлган қобилиятлар мужассам этган бўлиши лозим. Унинг таркиби қуйидагилар: Гуманистик (инсонпарва йўналиши) қизиқишлар, кадриятлар, идеаллар; Ихтисослик билими, фанни, уни ўқитиш методикасини, педагогика ва психологияни билиш; Педагогик лаёқатлар: коммуникатив қобилиятлар, сўз, фикр – туйғу орқали муносабат, ўзаро фикр алмашув; фаҳм-идрокли бўлиш; турли қобилият кўринишлари, қирралари иқтидорлигига эга бўлиш; динамизм (ҳаракатчанг), фаол, олға силжиш; эмоционал (ҳис-туйғу жўшқин); қатъиятлик; кунт, сабот – чидамли; келажакка ишонч (келажакни кўра билиш); эътиборли, нуфузли бўлиш (ўз таъсирчанлиги билан маҳлиё, мафтун эта билиш); Педагогик техника ўз-ўзини бошқара олиш; бошқалар билан алоқа – муносабат ўрната

олишкабималакаларига эга бўлиш таълим-тарбия самарадорлигини таъминлашни қафолатлайди.

Демак, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи (ўқувчи, талаба)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга. Интерфаол таълимнинг энг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълим мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди. Энг муҳими ўқитувчилар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари лозим. Интерфаол методларни қўллашда талабаларнинг ёш, психологик хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса, дарс самарадорлиги янада ошади. Бу эса ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

Интерфаол методлар моҳиятига кўра суҳбатнинг “талаба – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талабалар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.

Энг муҳими, интерфаол методларни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали ҳолис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Ўқув жараёнининг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этилиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда, ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади.

1. Ўқитувчиларни тайёрлаш ҳозирги ҳолати ва ушбу соҳадаги изланишлар шуни кўрсатдики, ахборотлар оқимининг ошиши илм ва фан тараққиётининг жадал тараққиёти техника ва технологияларнинг янгилашиши ўқитувчидаги педагогик – психологик ва методик, тайёргарлиги замонавий таълим талабларини етарли даражада таъминламаётганлиги сезилади.

2. Интерфаол таълим технологиялари ва унинг муҳим таркибий элменти бўлган интерфаол методлар таълим жараёнини ташкил этиш кўрсаткичларининг ўзгаришини таъминлайди

3. Таълим- тарбия жараёнида ўқитувчининг касбий ва педагогик маҳоратини ривожлантиришга эътиборни қаратиш муҳимлигини тақозо этди. Ушбу талабларни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, бўлажак ўқитувчини тайёрлашда касбий ва педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришнинг янги методика ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда жорий этишга олиб келади.

Олий таълим муассасаларида фақат педагогика ва психология таълим йўналишларида ўқитиладиган Педагогик маҳоратнинг психологик асослари фани бўлажак педагогларда педагогик моҳир ва ижодий, кўникмаларини

хосил қилиш, муомала маданияти, педагогик қобилият хусусиятларини, шунингдек, тарбиячи маҳоратининг дастлабки малакаларини шакллантиради.

### Адабиётлар рўйхати

1.Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А., Педагогика назарияси – Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2008.

2.Азизхўжаева Н.Н., Педагогик технология ва педагогик маҳорат – Т.: Фан, 2006.

3.Формирование научного мировоззрения студентов / М. Ш. Яхшиева, Ширин Камолова, Э. С. Эшонкулов [и др.]. — Текст : непосредственный // Актуальные задачи педагогики : материалы VI Междунар. науч. конф. (г. Чита, январь 2015 г.). — Чита : Издательство Молодой ученый, 2015. — С. 184-186. — URL: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/146/6908/> (дата обращения: 31.03.2021).

4.Педагогические взгляды Абу Али ибн Сины (Авиценны) / Ш. У. Камалова, Р. У. Мунарова, Н. А. Ахмедова [и др.]. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2015. — № 9 (89). — С. 1068-1070. — URL: <https://moluch.ru/archive/89/17662/> (дата обращения: 31.03.2021).

5.Malikaxon Qodirova, [МАКТАБГАЧА YOSHDAГИ BOLALARNING BILISH QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): [Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)

6.Malikaxon Qodirova, [МАШҒУЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЛА ИДРОКИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): [Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)

7.Malikaxon Qodirova, [O'SMIRLAR PSIXOLOGIYASI VA O'SMIR XULQ-ATVORINING O'ZIGA HOSLIGI](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): [Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)

8.Malikaxon Qodirova, [AGRESSIYANING NAZARIY ASOSLARI](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): [Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)

9.Malikaxon Qodirova, [ВОСПРИЯТИЕ " Я " У ДЕТЕЙ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): [Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)

10.Malikaxon Qodirova, [ЧЕЛОВЕК И СТРЕСС](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): [Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)

11.Jumanova, N. (2021). ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРОБУЖДЕНИЯ БОЛЬШОЙ ГРУППЫ ДЕТЕЙ ЛЮБОВЬ К ЛИТЕРАТУРЕ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1366>

12.Jumanova, N. (2021). ПРОФИЛАКТИКА ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДЕФЕКТОВ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогики и психологии в

современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1365>

13.Nasiba Jumanova, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ АКТИВАЦИИ, УСКОРЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

14.Obidova, D., & Nasiba, J. ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF HEALTH CARE INSTITUTIONS: PROSPECTS FOR THE APPLICATION OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE.

1. Sherboevna, N. J. (2020). THE USE OF INTEGRATED TECHNOLOGIES IN THE CULTIVATION OF CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(2).

15.Dilfuza Qarshiboyeva, [КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

16.Dilfuza Qarshiboyeva, [IMPORTANCE OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 4 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

17.Qarshiboyeva, D. (2021). ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2906>

18.Toshpo'latova, N. (2021). СНЕТ ТИЛИ FANLARINI O'QITISHDA O'QUVCHINING INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI HISOBGA OLISH USULLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3073>

19.Nodira Toshpo'latova, [ПРИ ОБУЧЕНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ - УЧИТЫВАТЬ ПСИХИКУ УЧАЩИХСЯ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

20.Nodira Toshpo'latova, [ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

21.Ахмедова Насиба Ачилевна, СОҒЛОМ МУҲИТ –СОҒЛОМ ОИЛА ТАЯНЧИ.<https://history.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2966/1982>

22.Ж.Мажидов.ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА “ТРЕНЕР – СПОРТЧИ” ТИЗИМИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ <https://scienceweb.uz/publication/865>

23.Imomqulova, F. (2021). ОИЛАДАГИ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИНИ БОЛАНИНГ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШИГА ТАЪСИРИ. Журнал

Педагогика и психология в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3076>

24.Imomqulova, F. (2021). ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогика и психология в современном образовании, (2). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2962>

25. Imomqulova, F. (2021). ISSUES OF UPBRINGING IN UZBEK FAMILIES. Журнал Педагогика и психология в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2620>

26.Imomqulova, F. (2021). ISSUES OF UPBRINGING IN UZBEK FAMILIES. Журнал Педагогика и психология в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2620>

27.Хамдамов, Х. (2021). ЗНАЧЕНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогика и психология в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3345>

28. Хамдамов, Х. (2021). МНОГОЗНАЧИТЕЛЬНОСТЬ ОБУЧЕНИЯ ВОЕННОЙ ПСИХОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ВОЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ. Журнал Педагогика и психология в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1374>